



## Ўтмишдаги яхшиликлар билан бирга мусулмон бўлгансан!",- деб жавоб бердилар

Ҳаким ибн Ҳизом разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: "Ё Расулуллоҳ! Нима дейсиз, менинг жоҳилият даврида берган садақаларим, қулларни озод қилганим ва қариндошлар билан борди-келди қилганим учун савоб оламанми?", деб савол бердим. Шунда, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Ўтмишдаги яхшиликлар билан бирга мусулмон бўлгансан!",- деб жавоб бердилар.

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам агар кофир, Ислом динини қабул қилса, мусулмон бўлишидан илгари жоҳилият даврида қилган садақа ёки қул озод қилиш ёки силаи раҳм каби солиҳ амаллари учун тақдирланишини баён қилдилар.

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/65016>

النّجاة الخيرية  
ALNAJAT CHARITY

